



Икки шарафли харам ходими Абдуллох ибн Абдулазизнинг ташаббуси билан Халқаро Куръони Карим ёдлатиш муассасаси 11-рамазон пайшанба куни Куръони Карим хизмати бўйича тўртинчи халқаро мукофот совриндорлари шарафига маросим ўтказди.

Унда бутун дунё бўйлаб Куръон университетлари, институтлари, ташкилотларида ҳамда Куръон телеканалларида фаолият кўрсатаётган академиклар, етук мутахассислар, ушбу муассасага қаршли ўқув юртларида дарс бераётган устозлар, кироат шайхлари иштирок этишади.

«Халқаро мукофот» мусобақаси ўн йўналишни ўз ичига олади:

Хижрий 1431 йилнинг Куръон хизмати бўйича энг яхши кишиси;

— энг яхши Куръон факултети, энг яхши Куръон сайти;

— энг яхши Куръон ёдлатиш ташкилоти;

— энг яхши Куръон мусобакаси;

— дунё кориларининг энг кекса шайхи;

— энг яхши Куръон телебарномаси;

— Куръон ёдлатиш бўйича энг яхши Куръон маъҳади;

— Куръони Каримни ёдлатиш бўйича энг яхши муаллим;

— дунё бўйича энг кичик хофизни Куръон.

Муассасанинг Куръони Карим хизматига мазкур халқаро мукофотни ташкил қилишдан кўзлаган мақсади Куръони Карим хизмати йўлида қилинаётган жонбозлик хатти-харакатларини бутун жаҳон бўйлаб маълум қилиш, Куръон хизмати йўлида янгиликлар қилган кишиларни тақдирлаш, Куръоний фаолиятларда жавлон ураётганлар орасида мусобакалашиш руҳини уйғотиш, Куръон муассасаларини, уларнинг таълим услубларини ривожлантириш, Куръони Карим хофизларининг савияларини оширишдир.

«Ислом олами робитаси» бош қотиби Абдуллох ибн Абдулмухсин ат-Туркий ҳамда Робита қошидаги Куръони Карим ёдлатиш муассасаси бош қотиби доктор Абдуллох Басфар мазкур йигин ташаббусқори ва хомийи бўлган Кирил Абдуллох ибн Абдулазиз жанобларига ўз ташаккур ва эҳтиромларини изҳор қилишди.